

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ХОРАЗМ ВИЛОЯТ СУДИНИНГ
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
ҲУКМИ

2021 йил июль ойининг 01 куни Хоразм вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, ўз биносида очик суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят суди раисининг ўринбосари У.Бакдурдиев, судлов ҳайъати судьялари М.Самандаров ва З.Якубовлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Э.Бобожоновнинг котиблигида, тарафлардан Хоразм вилоят прокуратурасининг бўлим катта прокурори У.Курязов, судланган Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчановлар ва уларнинг химоячиси, адвокат С.Сабиоровларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг 2012 йил 15 августдаги ҳукмига кўра,

Ваисчанов Жахангир Бекдурдиевич, 1973 йил 05 февраль куни Хоразм вилоятининг Урганч туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам 19.02.2004 йилда жиноят ишлари бўйича Урганч тумани суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 177-моддаси 2-қисми “б” банди билан судланиб, 435.200 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган, жарима жазосини тўламаганлиги учун 06.07.2004 йилда жиноят ишлари бўйича Урганч тумани судининг ажрими билан ЖК 44-моддасига асосан, ушбу жарима жазоси иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, 30.12.2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.12.2004 йилдаги “Амнистия тўғрисида”ги Фармонининг 2-моддасига асосан, жазони ўташдан озод қилинган, ЖКнинг 78-моддаси “в” бандига асосан, 30.12.2005 йилда судланганлик ҳолати тугаллаган, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, Урганч тумани, “Чаккашоликор” кишлоғи, “Саричилар” маҳалласида яшайди, унга нисбатан 2012 йил 09 апрель кунидан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини ўз муддатида олган,



Мадрахимов Бахрам Сафаевич, 1970 йил 11 сентябрь куни Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, Урганч шаҳар, Н.Кубро кўчаси 6-йўлак, 13-уйда яшайди, унга нисбатан 2012 йил 09 апрель кунидан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини ўз муддатида олган,

Матчанов Баҳром Садуллаевич, 1989 йил 19 октябрь куни Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, оилали, вақтинча ишсиз, Урганч шаҳар, “Сувчилар” шаҳарчаси, Лочин кўчаси 3-йўлак, 7-уйда яшайди, унга нисбатан 2012 йил 09 апрель кунидан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини ўз муддатида олган,

Жумамуратов Русланбек Рустамбекович, 1991 йил 30 март куни Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, оилали, ҳеч қаерда ишламайди, Урганч шаҳар, 8-март кўчаси, 146-уйда яшайди, унга нисбатан 2012 йил 09 апрель кунидан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини ўз муддатида олган,

Мархум Собиров Болтабой, 1949 йил 03 апрель куни Хоразм вилоятининг Боғот туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, муқаддам 21.03.2011 йилда жиноят ишлари бўйича Боғот тумани суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 177-моддаси 2-қисми “б” банди билан судланиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари, 497.350 сўм миқдоридан жарима жазоси тайинланган, жарима жазоси 06.04.2011 йилда тўлиқ ижро қилинган, судланганлик ҳолати тугалланмаган, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, 2-гурух ногирони,



нафақада, Боғот тумани, Боғот шаҳарчаси, “Нафас бобо” маҳалласида яшаган, унга нисбатан 2012 йил 09 апрель кунидан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини ўз муддатида олган,

Кутлимуратов Муродбек Нуруллоевич, 1979 йил 14 февраль куни Хоразм вилоятининг Урганч туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, Урганч тумани, “Чаккашоликор” қишлоғи, Ж.Мангуберди фермерлар уюшмасида яшайди, унга нисбатан 2012 йил 09 апрель кунидан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини ўз муддатида олган,

Аллабергенов Ойбек Эгамбердиевич, 1967 йил 09 август куни Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, Урганч шаҳар, Олтин воҳа кўчаси, 2-йўлак, 29-уйда яшайди, унга нисбатан 2012 йил 09 апрель кунидан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини ўз муддатида олган,

Хусаинов Неъмат Маткаримович, 1969 йил 29 март куни Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам 12.07.2011 йилда жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 177-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан судланиб, ЖК 57-моддасини қўллаб, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари, 2.486.750 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган, 10.02.2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 05.12.2011 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандига асосан, тайинланган жарима жазосидан озод қилинган, судланганлик ҳолати тугалланган, оилали, 3 нафар



фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, Урганч шаҳар, Ўзбекистон овози кўчаси, 27-уй, 18-хонадонда яшайди, унга нисбатан 2012 йил 09 апрель кунидан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини ўз муддатида олган,

Юсупов Ахмад Собирёвич, 1980 йил 17 январь куни Хоразм вилоятининг Урганч туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, Урганч шаҳар, Партов кўчаси, 195-уйда яшайди, унга нисбатан 2012 йил 09 апрель кунидан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини ўз муддатида олган,

Абдалов Абдалбек Машарипович, 1983 йил 06 декабрь куни Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, Урганч шаҳар, Аль-Беруний кўчаси, 134-уй, 2-хонадонда яшайди, унга нисбатан 2012 йил 09 апрель кунидан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини ўз муддатида олган

ва бошқаларга нисбатан чиқарилган ҳукмнинг Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамуратов ҳамда марҳум Б.Собировларга оид қисмига уларнинг ҳимоячиси, адвокат С.Сабилов томонидан келтирилган апелляция шикоятларига асосан жиноят ишини судлов ҳайъатида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг 2012 йил 15 августдаги ҳукмига кўра, Ж.Ваисчанов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ЖК 57-моддаси қўлланиб, энг кам ойлик иш ҳақи (62.920 сўмни) 125 баравари миқдорида, яъни 7.865.000 сўм жарима жазосига судланган.

Б.Мадрахимов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ЖК 57-моддаси қўлланиб, энг кам ойлик иш ҳақи (62.920 сўмни) 100 баравари миқдорида 6.292.000 сўм жарима жазосига судланган.



Б.Матчанов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ЖК 57-моддаси қўлланиб, энг кам ойлик иш ҳақи (62.920 сўмни) 100 баравари миқдорида 6.292.000 сўм жарима жазосига судланган.

Р.Жумамуратов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ЖК 57-моддаси қўлланиб, энг кам ойлик иш ҳақи (62.920 сўмни) 100 баравари миқдорида 6.292.000 сўм жарима жазосига судланган.

Б.Собиров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ЖК 57-моддаси қўлланиб, энг кам ойлик иш ҳақи (62.920 сўмни) 125 баравари миқдорида 7.865.000 сўм жарима жазосига судланган.

М.Кутлимурастов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ЖК 57-моддаси қўлланиб, энг кам ойлик иш ҳақи (62.920 сўмни) 100 баравари миқдорида 6.292.000 сўм жарима жазосига судланган.

О.Аллабергенов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ЖК 57-моддаси қўлланиб, энг кам ойлик иш ҳақи (62.920 сўмни) 100 баравари миқдорида 6.292.000 сўм жарима жазосига судланган.

Н.Хусаинов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ЖК 57-моддаси қўлланиб, энг кам ойлик иш ҳақи (62.920 сўмни) 150 баравари миқдорида 9.438.000 сўм жарима жазосига судланган.

А.Юсупов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ЖК 57-моддаси қўлланиб, энг кам ойлик иш ҳақи (62.920 сўмни) 100 баравари миқдорида 6.292.000 сўм жарима жазосига судланган.

А.Абдалов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ЖК 57-моддаси қўлланиб, энг кам ойлик иш ҳақи (62.920 сўмни) 100 баравари миқдорида 6.292.000 сўм жарима жазосига судланган.

Жиноят иши бўйича далилий ашё сифатида олиниб, Ўзбекистон Республикаси МХХ Хоразм вилоят бошқармасининг молия бўлимига вақтинчалик сақлаб туришлик топширилган, Р.Жумамуратовга тегишли 1.894 АҚШ доллари, 69.600 РФ рубли, 31.000 қозок тенгеси, М.Кутлимурастовга тегишли 11.700.000 сўм, О.Аллабергеновга тегишли 1.245.000 сўм, Н.Хусаиновга тегишли 431 АҚШ доллари, 2.000 РФ рубли, 1.355.500 сўм, А.Юсуповга тегишли 4.175.000 сўм пул, А.Абдаловга тегишли 1700 Ҳиндистон руписи, Ж.Ваисчановга тегишли 4500 АҚШ доллари, 260.000 сўм, Б.Мадрахимовга тегишли 1.750 АҚШ доллари, Б.Матчановга тегишли 1065 АҚШ доллари, 8.600 РФ рубли, 14.340.000 сўм, Б.Собировга тегишли 12.590 АҚШ доллари, 80 евро, 192.930 РФ рубли, 114.500 қозок тенгеси 7.715.500 сўм пулларни давлат эгалигига ўтказиш белгиланган.



Мазкур жиноят иши бўйича Т.Ражабов, Д.Рўзметов, Х.Абдолов, С.Холбаев, Б.Хусинов, П.Шакировлар ҳам судланган бўлиб, ишнинг уларга оид қисми юқори инстанциясида кўрилганлиги сабабли муҳокама қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497²⁵-моддасига мувофиқ, апелляция шикоят, протести важлари билан чегараланмасдан, ишни барча маҳкумларга, шу жумладан шикоят бермаган ҳамда устидан шикоят ёки протест билдирилмаганларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текшириши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 20 апрелдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 15-банди 1-хатбошисида, ЖПК 497²⁵-моддасига мувофиқ, суд жиноят ишини апелляция тартибида кўришда апелляция шикоят, протести важлари билан чегараланмасдан, суд қарорлари қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини барча маҳкумларга, шу жумладан, апелляция шикоят бермаган шахсларга ёки ўзига нисбатан шикоят, протест берилмаган маҳкумларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширади. Бироқ, агар бу маҳкум (оқланган шахс) аҳволининг оғирлашувиغا олиб келса, прокурор протести ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг шикояти бўлмаган ҳолларда, суд шикоят (протест)да келтирилган важлар доирасидан четга чиқишга, шунингдек, апелляция шикояти бермаган маҳкумлар (оқланган шахслар)га нисбатан ишни кўришга ҳақли эмаслиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати, гарчи мазкур иш бўйича судланган О.Аллабергенов, М.Кутлимуратов, А.Юсупов, Н.Хусаинов ва А.Абдаловлар томонидан шикоят берилмаган ва ишнинг уларга оид қисми юзасидан протест келтирилмаган бўлса-да, фақатгина судланувчилар Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамуратов, марҳум Б.Собировлар ва уларнинг ҳимоячиси, адвокат С.Сабировларнинг шикоятларида баён этилган важлар билангина чегараланмасдан, суд ҳукмининг О.Аллабергенов, М.Кутлимуратов, А.Юсупов, Н.Хусаинов ва А.Абдаловларга оид қисмини ҳам тўла ҳажмда (тафтиш тартибида) текширишни лозим топди.

Суднинг ҳукмига кўра, 2010 йилнинг бошларида фуқаролар Б.Матчанов, О.Аллабергенов, М.Кутлимуратов, А.Юсупов, Н.Хусаинов, Р.Жумамуратов, Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Собиров ва А.Абдаловлар жинойий шериклари Т.Ражабов, Д.Рўзметов, Х.Абдолов, С.Холбаев, Б.Хусинов, П.Шакировлар билан олдиндан ўзаро жинойий тил бириктириб, бойлик орттириш мақсадида, уюшган гуруҳ бўлиб, Урганч шаҳар Марказий деҳқон бозори худудидаги “Урганч савдо уйи” МЧЖ биноси атрофида, чет эл валюта қимматликларини олиш ҳамда ўтказиш режасини тузишган.

Олдиндан тузилган режага кўра, гуруҳ иштирокчилари вазиятга қараб бир-бирларини чет эл валютаси ҳамда миллий сўм билан таъминлаб туришга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари назарига тушмаслик учун, жиноятни пинҳона усулда амалга оширишга келишишган.



Уюшган гуруҳ аъзолари, 2010-2012 йиллар давомида, Урганч шаҳар Марказий деҳқон бозори худудидаги “Урганч савдо уйи” МЧЖ биниси атрофида мунтазам равишда, терговда шахсини аниқлашни имконияти бўлмаган шахслардан чет валютасини олиб, сўнгра қонунга ҳилоф равишда сотиб келишган.

2012 йил 17 февраль куни, Э.Сафроновнинг ёзган аризасига асосан, МХХ ва ИИБ тезкор ходимлари томонидан валюта қимматликларини ноқонуний савдоси билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш борасида ўтказилган тезкор тадбир жараёнида, Урганч шаҳридаги “Урганч савдо уйи” МЧЖ атрофида валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда олиш ҳамда ўтказиб турган вақтда бир қатор фуқаролар жиноят устида қўлга олинганлар.

Хусусан, жиноят устида қўлга олинган шахсларнинг ёнлари кўздан кечирилганида, яъни Р.Жумамуратовга тегишли бўлган “Матиз” русумли 90 J 742 АА давлат рақам белгили автомашинадан 31.000 қозоқ тенгеси, 1.894 АҚШ доллари, 69.600 РФ рубли, Б.Мадрахимовга тегишли бўлган “Спарк” русумли 90 L 314 СА давлат рақам белгили автомашинадан 1.750 АҚШ доллари, Х.Абдоловнинг ёнидан 4000 (тўрт минг) қозоқ тенгеси, 5.920 АҚШ доллари ва 3.620.000 сўм пул, Б.Матчановнинг ёнидан 8.600 РФ рубли, 1065 АҚШ доллари ва чет эл валютасини сотиб олиш учун сақлаб қўйилган 4.340.000 сўм пул, О.Аллабергеновнинг ёнидан чет эл валютасини сотиб олиш учун сақлаб қўйилган 1.245.000 сўм пул, М.Кутлимуратовга тегишли бўлган “Тико” русумли 22 Н 34-48 давлат рақам белгили автомашинадан чет эл валютасини сотиб олиш учун сақлаб қўйилган 11.700.000 сўм пул, Д.Рўзметовга тегишли бўлган “Нексия” русумли 90 Е 161 ВА давлат рақам белгили автомашинадан 3000 РФ рубли, 15.000 қозоқ тенгеси, 2.200 АҚШ доллари ва чет эл валютасини сотиб олиш учун сақлаб қўйилган 12.800.000 сўм пул, А.Юсуповнинг ёнидан чет эл валютасини сотиб олиш учун сақлаб қўйилган 4.175.000 сўм пул, Н.Хусаиновнинг ёнидан 2.000 РФ рубли, 431 АҚШ доллари ва чет эл валютасини сотиб олиш учун сақлаб қўйилган 1.355.500 сўм пул, Т.Ражабовга тегишли бўлган “Матиз” русумли 90 М 977 СА давлат рақам белгили автомашинадан 6.525 АҚШ доллари, 9.700 РФ рубли, 2.000 қозоқ тенгеси ва чет эл валютасини сотиб олиш учун сақлаб қўйилган 3.000.000 сўм пул, С.Холбаевга тегишли бўлган “Нексия” русумли 22 М 69-29 давлат рақам белгили автомашинадан 7.260 АҚШ доллари, 51.820 РФ рубли, 12.000 қозоқ тенгеси ва чет эл валютасини сотиб олиш учун сақлаб қўйилган 2.800.000 сўм пул, Ж.Ваисчановга тегишли бўлган “Ласетти” русумли 90 F 411 СА давлат рақам белгили автомашинадан 4.500 АҚШ доллари ва чет эл валютасини сотиб олиш учун сақлаб қўйилган 260.000 сўм пул, Б.Хусаиновга тегишли бўлган “Москвич-412” русумли 90 А 608 ВА давлат рақам белгили автомашинадан 7.020 АҚШ доллари, 5.500 РФ рубли ва чет эл валютасини сотиб олиш учун сақлаб қўйилган 4.300.000 сўм пул топилиб, улар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.



Шундай қилиб, судланувчилар Б.Матчанов, О.Аллабергенов, М.Кутлимурастов, А.Юсупов, Н.Хусаинов, Р.Жумамурастов, Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Собиров ва А.Абдаловлар ўзларининг жиноий шериклари Т.Ражабов, Д.Рўзметов, Х.Абдолов, С.Холбаев, Б.Хусинов, П.Шакировлар билан жами бўлиб 384.342.599 сўмлик жуда кўп миқдордаги валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда бозорда олиш ёки ўтказиш билан шуғулланиб келганлар.

Судланган Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамурастовлар ва уларнинг адвокати С.Сабиоровлар апелляция шикоятларида, Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамурастов ва марҳум Б.Собировлар валюта олди-сотдиси билан шуғулланишмагани, улар томонидан жиноят содир этилмагани, уларнинг айби йўқлиги ҳақида важлар келтириб, Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамурастов ва марҳум Б.Собировларга нисбатан бўлган ҳукми бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси З.Якубовнинг маърузасини, прокурор У.Курязовнинг шикоятларни қаноатлантирмасдан суднинг ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, судланган Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамурастовлар ва уларнинг ҳимоячиси адвокат С.Сабиоровнинг суд ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятларидаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмининг Б.Матчанов, О.Аллабергенов, М.Кутлимурастов, А.Юсупов, Н.Хусаинов, Р.Жумамурастов, Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, А.Абдалов ва марҳум Б.Собировларга оид қисмини бекор қилиб, уларни оқлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 9-моддасида, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши;

ЖПКнинг 22-моддасида, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги;

23-моддаси 3-қисмида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имконияти тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги;

26-моддасида суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши;

82-моддасида, шахсни айблаш ва ҳукм қилиш учун жиноят объекти, жиноят тўфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан



содир этилганлиги, жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари исботланган бўлиши кераклиги;

455-моддасида, суд ҳукми фақат суд мажлисида текширилган далиллар билан асослаши;

463-моддасида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган ҳолатларни текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олинishi лозимлиги;

467-моддасида, ҳукмда суднинг ҳар бир судланувчига нисбатан хулосаларига асос бўлган далиллар ва суднинг бошқа далилларни рад этиш сабаблари ёзилиши лозимлиги белгиланган.

Ҳукм чиқарилган даврда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1997 йил 02 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида, судларнинг эътибори ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратишлиги, бунда ЖПК 26 ва 455-моддалари талабига биноан ҳукм фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асослантирилган бўлиши лозимлиги;

4-бандида, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан холисона тасдиқлангандагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олиши, бу талаб айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва судланувчининг айбдорлиги суд муҳокамаси жараёнида исботланган тақдирдагина чиқарилиши лозимлиги ҳақидаги ЖПК 463-моддаси мазмунидан келиб чиқиши ҳақида;

5-бандида, иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисидаги суднинг хулосаларига зид бўлган далиллар ҳукмда нима учун улар ишончсиз деб топилганлиги ва рад этилганлиги сабаблари асослантирилган ҳолда кўрсатилиши лозимлиги, ҳукмда судланувчининг жиноий ҳаракатларини фош қиладиган, оқлайдиган далилларга асосланганда, суд уларнинг мазмунини очиб ташлаши ва тегишли баҳо бериши лозимлиги, бир нечта судланувчиларга тегишли иш бўйича ёки судланувчи бир нечта жиноятларни содир қилганликда айбланаётган иш бўйича, суд ҳукмда ҳар бир судланганга



нисбатан ҳар бир айблов бўйича далиллар келтириши ва текшириши ҳамда хулоса қилиши зарурлиги ҳақида;

6-банди учинчи хатбошисида, ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил сифатида танилмаганлиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантирилган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлиши ҳақида;

10-банди учинчи хатбошисида, айблов ҳукмининг тавсиф қисмида судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги, судланувчи томонидан ўзининг суриштирув ва дастлабки терговда берган кўрсатувларини ўзгартирган тақдирда суд унинг бу ва бошқа кўрсатувларини батафсил текшириши ва уларга иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан биргаликда баҳо бериши лозимлиги ҳақида;

11-банди биринчи хатбошисида, жиноятни Жиноят кодексининг у ёки бу моддаси, унинг қисми ёки банди билан тавсифлаш бўйича суднинг асослантирилган хулосаси айблов ҳукмининг тавсиф қисмининг муҳим белгиси ҳисобланиши, бунда айбдорнинг ҳаракатлари нима учун айнан шу модда, қисм, банд билан тавсифланаётганлиги аниқ кўрсатилиши кераклиги, судланувчини жиноятни баҳоловчи категорияларга тегишли (масалан, жиддий зиён, оғир оқибатлар ва б.қ.) белгиларга қараб айбдор деб топганида, суд ушбу белгининг жинойий қилмишда бўлишлигига олиб келган асосларни ҳам келтириши шарт эканлиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Бироқ, биринчи инстанция суди томонидан қайд қилинган ЖПК талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларга риоя қилинмаган.

Суд фақат тахмин ва фаразларга асосланган ҳолда, Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамуратов, Б.Собиров, О.Аллабергенев, М.Кутлимуратов, Н.Хусаинов, А.Юсупов, А.Абдаловларни валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишда айбли деб топган.

Хусусан, биринчи инстанция суди Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамуратов, Б.Собиров, О.Аллабергенев, М.Кутлимуратов, Н.Хусаинов, А.Юсупов, А.Абдаловларнинг суддаги кўрсатувларида, эълон қилинган айбловга муносабатини билдириб, ўзларини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига етарлича баҳо бермасдан ҳукмдаги валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш ҳақидаги ҳолатлар бўйича айблаш учун бирорта тасдиқловчи ёзма ёки ашёвий далиллар келтирилмаган.

Иш ҳолатларига аниқлик киритиш мақсадида, апелляция судида судланган Ж.Ваисчанов сўроқ қилинганида, 2011 йилда акаси Қ.Ваисчанов ишлаш мақсадида Россия Федерациясига кетганини, акаси Қ.Ваисчанов ишлашга кетишдан олдин унга Россиядан пул жўнатиб туришини айтганлигини ушбу пулларни келинойисига бериб туришни тайинлаб



кетганлигини, шундан кейин акаси Қ.Ваисчанов Россия Федерациясида ишлаган пулларини ўзининг турмуш ўртоғи Н.Алланазаровага банк орқали юбориб турганини, шундан кейин келинойиси Н.Алланазарова акаси юборган 4100 АҚШ долларини бериб, ушбу пулларни уйини таъмирлатиб бериш учун ишлатишини айтиб бериб қўйганлигини, шундан кейин бу пулларни ўзи билан бирга олиб юрганини, 2012 йил январь ойларида акаси Россиядан келганидан сўнг, ундан қарзга 500 АҚШ долларини олганини, бунга сабаб, автомашина сотиб олган вақтида қариндошларидан қарз олиб қўйганини, 2012 йилнинг февраль ойларида, Урганч шаҳар Марказий дехқон бозорига уйга харажат қилиш мақсадида борганини, шунда унинг машинасида 4500 АҚШ доллари ва 260.000 сўм пуллар бўлганини, шундан кейин ўзи бозорга кириб кетганини, унинг машинаси эса авто стоякда қолганини, шундан сўнг машинасининг ёнига борганида машинасининг ёнида МХХ ходимлари турганлигини кўрганлигини, улардан нима бўлаётганлигини сўраганида, улар бўлиб турган ҳолатни тушунтиришганини, кейин машинасини МХХ га олиб боришганлигини, шунда унинг машинасини кўздан кечирган вақтларида машинадан 4500 АҚШ доллари ва 260.000 сўм пуллар борлиги аниқланганлигини, ундан кейин 8 ой МХХга қатнаганлигини, 8 ой мобайнида автомашинаси МХХда ётганлигини, шу пайтда МХХ ходимларига валюта олди-сотдиси билан шуғулланмаслигини айтганлигини, умуман олдинлари валюта бозорига чиқмаганлигини, бу ишларга уни алоқаси йўқлигини, шу сабабли ўзига тегишли бўлган пулларни қайтариб оқлов ҳукми чиқаришни сўраб кўрсатув берди.

Судланган Б.Мадрахимов апелляция судида, 2012 йилнинг февраль ойида эрталаб тахминан соат 9-30 ларда ўзига тегишли бўлган “Спарк” русумли автомашинасида Урганч Марказий дехқон бозорига келиб, автомашинасини Урганч савдо уйи олдидаги авто стоякда қўйиб, банкка кетганлигини, бироздан кейин банкдан қайтиб чиқиб автомашинасига ўтирганида, маскада МХХ ходимлари келишиб машинани кўздан кечиришни айтишганлигини, шундан кейин унинг автомашинасини кўздан кечирганларида автомашинадан 1750 АҚШ доллари борлиги аниқланиб, автомашинасини МХХга олиб кетишганлигини, МХХга кўп бора қатнаганлигини, автомашинаси ҳам шу ораликда кўп вақт МХХда ётганлигини, унинг ёнидан чиққан пулларни ҳужжатлари борлигини, шу куни умуман валюта бозорига чиқмаганлигини, валюта олди-сотдиси билан умуман шуғулланмаганлигини, шу сабабли пулларини қайтариб бериб, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқариб бериш ҳақида кўрсатув берди.

Судланган Б.Матчонов апелляция судида, воқеа содир бўлган куни ишлаб топган пулларини банкка омонатга қўйиш учун биринчи “Ипотека банк” ка киргани, фоизини кўриб, қайтиб чиқиб “Халқ банк”ка кирганини, шундан кейин Урганч шаҳар Марказий дехқон бозорига киравериш дарвозасининг ёнида “Асака банк” нинг филиалига кириб, фоизини кўриб ёнидаги дўстлари билан овқатланиб, қайтиб банкка кираётганида МХХ ходимлари келиб, уни олиб кетишгани, ҳеч ким билан валюта олди-



сотдисини қилмагани, ҳеч кимни танимаслигини, ушбу пуллар ўзини Россияга бориб ишлаб келган шахсий пуллари эканини, шу сабабли ундан олинган 1065 АҚШ доллари, 8.600 РФ рубли, 14.340.000 сўм пулларини қайтариб оқлов ҳукми чиқариб бериш ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Э.Сафронов апелляция судида, 2011 йил декабрь ойининг охирларида МХХ бошлиғи номига бозор ҳудудида бир нечта фуқаролар валюта олди-сотдиси билан шуғулланиб юрганлиги бўйича ариза билан мурожаат қилгани тўғри экани, у олдинлари МХХ ходимлари билан кўп маротаба тадбирларда қатнашганлигини, лекин шахсан у Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамуратов, Б.Собиров, О.Аллабергенев, М.Кутлимуратов, Н.Хусаинов, А.Юсупов, А.Абдаловлар билан валюта олди-сотдисини қилмаганлигини, уларни танимаслигини, улар билан олдиндан ҳеч қандай адовати бўлмаганлигини, уларга нисбатан даъво жанжали йўқ эканлигини билдириб кўрсатув берди..

Қўшимча гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Қ.Ваисчанов апелляция судида, ушбу иш бўйича фақат укаси Ж.Ваисчановни танишини, у укаси Ж.Ваисчановга Россияда ишлаб юрганида ишлаган пулларини жўнатиб тургани тўғри экани, уни Россиядан жўнатган пулларини уйда йиғиб, турмуш ўртоғи Н.Алланазарова укаси Ж.Ваисчановга жами 4.500 АҚШ долларини бериб юборганини, ушбу иш бўйича укаси Ж.Ваисчановнинг ҳеч қандай айби йўқлигини, ҳамма пуллар уники бўлганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Шу иш бўйича судланган О.Аллабергенев, М.Кутлимуратов, А.Юсупов, Н.Хусаинов, Р.Жумамуратов, А.Абдалов, Т.Ражабов, Д.Рўзметов, Х.Абдолов, С.Холбаев, Б.Хусинов ва П.Шакировлар биринчи инстанция судида, бир хилда бир-бирларини умуман танимасликларини, валюта олди-сотдиси билан умуман шуғулланмаганлари ҳақида кўрсатув берганлар.

Апелляция суд мажлисида Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамуратов, Б.Собиров, О.Аллабергенев, М.Кутлимуратов, Н.Хусаинов, А.Юсупов ва А.Абдаловларни суд ҳукмида қайд қилиб ўтилган ҳолатларда валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш жиноятини содир қилганлигига дахлдор фактлар аниқланмади.

Шунингдек, жиноят иши материалларида Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамуратов, Б.Собиров, О.Аллабергенев, М.Кутлимуратов, Н.Хусаинов, А.Юсупов ва А.Абдаловларни мазкур жиноятларни содир қилганлиги юзасидан айбларини тасдиқловчи бирор-бир ишончли далил ҳам мавжуд эмас.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамуратов, Б.Собиров, О.Аллабергенев, М.Кутлимуратов, Н.Хусаинов, А.Юсупов ва А.Абдаловларни уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, жуда кўп миқдордаги валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиб ёки сотиб келганлигини тасдиқловчи объектив далиллар аниқланмади, валюта қимматликларини қачон ва кимдан сотиб олганлик ёки сотганлик ҳолати тасдиқланмади.



Судланган Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамуратов, Б.Собиров, О.Аллабергенов, М.Кутлимуратов, Н.Хусаинов, А.Юсупов, А.Абдаловларнинг ёнларидан, автомашиналаридан ва уйларида валюта қимматликлари чиққан бўлса-да, улар ушбу валюта қимматликларини қачон ва қимдан сотиб олганлик ёки сотганлик бўйича ҳеч қандай далил мавжуд бўлмаса ҳамда улар валюта қимматликларини сотиб олаётган ёки сотаётган вақтда ушланмаган бўлса-да, суд фақат тахминга асосланган ҳолда уларни валюта қимматликларини ноқонуний равишда олган ва сотганликда айбдор деб топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорининг 9-бандида, далил у ЖПК талаблари бузилган тарзда, жумладан, жабрланувчи, гувоҳнинг фараз, тахмин, миш-мишларга асосланган кўрсатувлари, шунингдек, жабрланувчи, гувоҳ ўзининг хабардорлиги манбасини айтиб бера олмаган ёки айтишни хоҳламаган ҳолларда олинган бўлса ҳам мақбул эмас деб топилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Судлов ҳайъати, Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамуратов, Б.Собиров, О.Аллабергенов, М.Кутлимуратов, Н.Хусаинов, А.Юсупов, А.Абдаловлар ноқонуний равишда валюта қимматликларини олиш ва сотиш билан шуғулланиб юришганликда ариза билан мурожаат этган аризагўй фуқаро Э.Сафроновнинг дастлабки тергов давридаги кўрсатувларини инкор қилиб, унинг ушбу кўрсатувлари фараз, тахмин, миш-мишларга асосланган, уларнинг айбини исботловчи далил сифатида эътироф этиб бўлмайди деб, унинг кўрсатувлари апелляция инстанция судида текширилган бошқа далиллар мажмуи билан, хусусан аудио ёки видеоёзувлар, айнан ноқонуний равишда валюта қимматликларини олиш ва сотиш билан боғлиқ телефон ёки бошқа мосламалар орқали амалга оширилган сўзлашувлар аниқланиши каби аниқ мезонлар билан ўз тасдиғини топмагани боис, ушбу кўрсатувни қўшимча далил билан тасдиқланмасдан туриб, жиноятнинг бевосита далили бўла олмайди ва бундай далилни бугунги кунда судда тўплаш имкони тугаган деб топади.

Юқорида баён қилинганларга кўра, судлов ҳайъати судланган Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамуратов, Б.Собиров, О.Аллабергенов, М.Кутлимуратов, Н.Хусаинов, А.Юсупов, А.Абдаловларнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари ҳамда гувоҳ Э.Сафроновнинг дастлабки тергов давридаги кўрсатувларини номақбул далил деб топиб, уларни далиллар мажмуидан чиқаришни;

шунинг билан бирга, апелляция суд мажлисида сўроқ қилинган судланган Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчановлар ҳамда гувоҳлар Э.Сафронов ва Қ.Ваисчановларнинг кўрсатувларини ишончга сазовор ва мақбул далиллар сифатида инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Шунга кўра судлов ҳайъати, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 7-бандидаги ЖПКнинг



462-моддасига мувофиқ, суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкинлиги, ЖПКнинг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи ҳукм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилганлиги ҳақидаги тушунтиришига риоя қилиб, дастлабки тергов органи ва суднинг асослантирилмаган, тахмин ва фаразлардан иборат Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамуратов, Б.Собиров, О.Аллабергенев, М.Кутлимуратов, Н.Хусаинов, А.Юсупов, А.Абдаловларнинг суд ҳукмида қайд қилиб ўтилган валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш билан боғлиқ бўлган жиноятни содир қилганлиги ҳақидаги айбловлар иш ҳолатлари батафсил текширилгандан кейин уларни тасдиқловчи объектив далиллар мавжуд эмаслиги сабабли ишонарли тарзда ўз тасдиғини топмади ва бундай жиноий ҳодисалар юз берганлиги билан боғлиқ шубҳани судда бартараф этиш имкониятлари тугаган деб ҳисоблаб, судланган Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамуратов, Б.Собиров, О.Аллабергенев, М.Кутлимуратов, Н.Хусаинов, А.Юсупов, А.Абдаловларнинг фойдасига ҳал қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 1-бандида, иш кўзгатиш ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлмаса, судланувчи айбсиз деб топилиши ва реабилитация этилиши лозимлиги;

464-моддаси биринчи қисми 1-бандида, жиноий ҳодиса юз бермаган бўлмаса, оқлов ҳукми чиқарилиши белгиланган.

Юқоридагиларга асосан, судлов ҳайъати суд ҳукмининг Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамуратов, Б.Собиров, О.Аллабергенев, М.Кутлимуратов, Н.Хусаинов, А.Юсупов, А.Абдаловларга оид қисмини бекор қилишни ҳамда жиноий ҳодиса юз бермаганлиги муносабати билан Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамуратов, Б.Собиров, О.Аллабергенев, М.Кутлимуратов, Н.Хусаинов, А.Юсупов, А.Абдаловларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 3-қисми “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбсиз деб топиб, реабилитация этишни ва жиноят ишининг уларга оид қисмини ЖПКнинг 83-моддаси 1-бандига асосан тугатишни;

Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамуратов, Б.Собиров, О.Аллабергенев, М.Кутлимуратов, Н.Хусаинов, А.Юсупов, А.Абдаловларга мулкӣ, маънавий ва бошқа зиённи қоплаш масаласида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 304-312-моддалари тартибида судга муурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 497¹⁹, 497²⁶, 497²⁷, 497³¹-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг 2012 йил 15 августдаги Мадрахимов Бахрам Сафаевич ва бошқаларга оид жиноят жиноят иши



юзасидан чиқарилган ҳукмининг Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамуратов, Б.Собиров, О.Аллабергенов, М.Кутлимуратов, Н.Хусаинов, А.Юсупов, А.Абдаловларга оид қисми бекор қилинсин.

Ваисчанов Жахангир Бекдурдиевич, Мадрахимов Бахрам Сафаевич, Матчанов Бахром Садуллаевич, Жумамуратов Русланбек Рустамбекович, Собиров Болтабой, Аллабергенов Ойбек Эгамбердиевич, Кутлимуратов Муродбек Нуруллоевич, Хусаинов Неъмат Маткаримович, Юсупов Ахмад Собирёзович ва Абдалов Абдалбек Машариповичлар жиноий ҳодиса юз бермаганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 3-қисми “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбсиз деб топилиб, оқлансинлар ва жиноят ишининг уларга оид қисми ЖПКнинг 83-моддаси 1-бандига асосан тугатилсин.

Ж.Ваисчанов, Б.Мадрахимов, Б.Матчанов, Р.Жумамуратов, О.Аллабергенов, М.Кутлимуратов, Н.Хусаинов, А.Юсупов, А.Абдалов ва марҳум Б.Собировнинг яқин қариндошларига мулкӣ зиённи қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зиён оқибатларини бартараф қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 304-312-моддалари тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги эътироф этилсин.

Шикоятлар қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи (имзо) У.Бакдурдиев

Ҳайъат судьялари (имзо) М.Самандаров

(имзо) З.Якубов

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”

Вилоят суди судьяси

З.Якубов

